

САДИКОВ Юсупджан Арипович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азхар
кафедраси катта ўқитувчиси

АРАБ АДАБИЁТИ ВА УНИ ЎҚИТИШДАГИ МУАММОЛАР

АРАБСКАЯ ЛИТЕРАТУРА И ПРОБЛЕМЫ ЕЕ ПРЕПОДАВАНИЯ

ARABIC LITERATURE AND PROBLEMS OF ITS TEACHING

Аннотация. Мақолада араб адабиётининг ривожланиш жараёнининг объектив ва субъектив сабаблари, шунингдек, араб адабиётини ўқитишдаги маълум муаммолар ҳақида ёзилган. Араб адабиётини ўқитишда, уни таҳлил қилишда, ёзувчилари, шоирлари билан таништиришдаги келиб чиқадиган тушунмовчиликлар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: араб адабиёти, ўқитиш, муаммо, шеъва, Жазоир, Тунис, барбарлар, уйғониш даври.

Аннотация. В статье описаны объективные и субъективные причины процесса развития арабской литературы, а также некоторые проблемы в преподавании арабской литературы. Были проанализированы возникшие недоразумения в преподавании арабской литературы, ее анализе, знакомстве с писателями, поэтами.

Ключевые слова: арабская литература, обучение, проблема, диалект, Алжир, Тунис, берберы, Ренессанс.

Annotation. The article describes the objective and subjective reasons for the development of Arabic literature, as well as some problems in the teaching of Arabic literature. Misunderstandings that arose in the teaching of Arabic literature, its analysis, acquaintance with writers and poets were analyzed.

Keywords: arabic literature, teaching, problem, dialect, Algeria, Tunisia, Berbers, Renaissance.

КИРИШ

Араб адабиётининг ривожланиш жараёнлари турли даврларда турлича бўлган. Унинг ривожига мамлакатлардаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жараёнлар сезиларли даражада таъсир кўрсатганлиги оддий ҳолатларидан биридир. Хар бир мамлакат адабиёти, унинг ривожланиш жараёни маълум

объектив ва субъектив сабабларга эгадир. Адабий жараён албатта атроф муҳитдан айролик бўлиши мумкин эмас. Агар бирон бир мамлакат адабиётини зимдан кузатадиган бўлсак, унинг замирида юрт ҳаёти, унинг тарихи, халқининг орзу-умидлари, интилишлари ва кечириётган турмуш тарзи намоён бўлади.

Бирон бир давлатнинг адабиёти билан танишиш даврида, гарчи ўқувчи ўша юртга бормаган, кўрмаган бўлса ҳам унда маълум бир фикрлар, туйғулар шаклланади. Ўша юрт унинг кўз олдида келгандек тасаввур ҳосил бўлади. Бу эса ўз навбатида ёзувчининг маҳоратидан, ҳодисаларни ўта аниқлик билан тасвирлашидан далолат беради. Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, араб дунёсининг ўзига хос, ўзига мос қонуниятлари, жозибалари ва дунёқарашлари бордир. Уни тушиниб етиш учун эса адабиёти ўрганилаётган мамлакатдаги турли жараёнларни, ижтимоий муҳитни, турмуш тарзини ва албатта диний қарашларни ҳисобга олиш керак бўлади. Акс ҳолда араб адабиётида ёритилган масалалар тушинарсиз ёки зерикарли бўлиб туюлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Араб адабиётдаги яна бир муҳим жиҳат, у ёки бу юрт шеъвасининг маълум бир ўринлардаги таъсиридир. Чунки нечта араб давлати бўлса (улар йигирмага яқин), шунча шеъва ҳамда чет эл сўз ва иборалари бор. Масалан Жазоир ёки Тунис давлатларини мисол тариқасида олсак, у ерда араб, барбар, турк, француз, испан тилларининг таъсирини кузатамиз. Ёки уйғониш даври адабиёти билан ҳозирги замон адабиёти орасидаги фарқларни ажратиб олиш, уларда кўтарилган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий масалаларни англаб етиш ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Тарихга назар солсак, араб дунёси бир неча марталаб босқинчилар қўлидан ўтганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу эса албатта адабиётнинг, шеърийатнинг, драматургиянинг ривожига таъсир кўрсатмай қолмаган. Бу ерда биз ҳам салбий, ҳам ижобий жиҳатларни кўрамиз. Ҳар қандай истило ўзи билан қандайдир янгилик олиб кирган. Уни туб халқ ё қабул қилган ё аксинча ундан қутилишга ҳаракат қилган. Бу борада жуда кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Агар мисол тариқасида тарих нуқтаи назаридан қарасак, Тунис адабиёти шу ҳудудда милoddан аввал бир минг йилликда «пуни»,

сўнгра лотин тилларида ривожлана бошлаган. Бу борада Туниснинг географик жойлашуви, унинг Африка қабилалари билан ёнма-ёнлиги, Европа мамлакатларига яқинлиги, турли босқинчилар томонидан босиб олиниши каби жиҳатлар ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган, албатта. Тунис ўз адабиётига фақатгина мусулмон араб ҳукумронлигидагина араб тилида вужудга келган десак муболаға бўлмайди. 10-11 асрларда ибн Хани ал-Андалусий, Али ат-Тунисий Иброҳим ал-Хусрий, Иброҳим ар-Рақик, Абдулазиз ал-Таърифий каби шоир ва ёзувчилари адабиёт майдонига чиққан бўлса, 19 асрга келиб Мухаммад аш-Шодли Хазнадар, Салоҳ Сувайсий, Абулқосим аш-Шоббий, Али ад-Дуажий, Тоҳир Ҳаддод, Махмуд ал-Месадий, Мухаммад ал-Ларусий, Мустафо ал-Форисий каби шоир ва ёзувчилар саҳнага чиқишди [8:7-11].

Бу адибларнинг адабиёт саҳнасига чиқишига Туниснинг мустақилликга эришиши сабаб бўлди. Бу воқеълик Тунис киносанъатида ҳам ўз аксини топди. Шу ерда бир нарсга урғу бериш керакки, умуман олганда араб дунёсида бир ҳиллик кузатилади, яъни адабиётнинг ривожланиши, унга четдан таъсирлар, урушлар, босиб олишлар ва ҳ.к. Тунисда ҳам киносанъат шу йўсинда ривожланган эди. «Асосан ҳужжатли фильмлар прокати кенг йўлга қўйилган эди. Аммо мустақилликдан сўнг қисқаметражли бадий фильмлар, кейинчалик тўлиқметражли фильмлар яратила бошлади. Бунда асосан миллий озодлик кураши, ижтимоий ҳаёт муаммолари тасвирланди. 1966 йил «Тонг», 1967 йил «Кўзғолончи», 1970 йил «Дехқонлар» каби бадий фильмларнинг яратилиши» Тунисдаги жамиятнинг, халқнинг дардини очиб берди.

Биз юқорида юритаётган фикрларда адабиётга оид баъзи муаммолар мавжуд. Араб адабиётини ўқитишда, уни таҳлил қилишда, ёзувчилари, шоирлари билан таништиришда ўзбек ўқувчида бир қанча тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Араб адабиётини ўқитишдан, араб адиблари ёзган шеър ва бадий асарларни таржима қилиб тушунтиришдан олдин араб менталитети билан, араб географик жойлашуви билан таништириш керак. Шу билан бир қаторда араб дунёсидаги босқинчилик ҳаракатлари, миллий-озодлик ҳаракатлари ҳақида ҳам тарихий маълумотлар бериш зарур. Чунки араб адибларининг аксарият асарлари

ўша вақтдаги муҳит асосида яралгандир. Уларда араб халқининг оғир ҳаёти, айниқса аёлларнинг камситилиши, ҳуқуқларининг поймол қилиниши, саводсизлиги, миллий-озодлик йўлидаги курашлар акс этган эди.

Агар бутун араб давлатларини оладиган бўлсак, уларда адабий ўхшашликлар кўп. Бир араб давлати ҳақида гапирадиган бўлсак, албатта ўша воқеълик бошқа араб давлатида ҳам содир бўлгандек туйилади. Масалан Жазоир аёлларининг қисматини оладиган бўлсак, бу Тунисда ҳам, Марокашда ҳам шу қисмат борлиги аён бўлади. Фикримизни ойдинлаштирадиган бўлсак, аёл доимо жамиятнинг кўзгуси бўлиб келган. Қайси жамиятда аёл яхши яшаса, билимли бўлса, демак ўша жамият, ўша давлат, юрт бой ҳисобланади. Ваҳолонки, азал-азалдан аёл орқа ўринларга ўтиб қолган эди. Ўқувчида араб дунёсидаги аёллар саводсиз, билимсиз, оғир меҳнатга жалб қилинган ҳокисор сифатида тушунча пайдо қилиши мумкин. Аммо бу ўша мамлакат шароитини, сиёсий тузимини, ахлоқ ва одобларини билмасликдан келиб чиқади. Тўғри, араб аёллари узок йиллар давомида жамоат ишларидан, сиёсатдан, маданий ҳаётдан четлатилган эди. Лекин юқорида келтирилгандек, вақт ўтиши, жамиятдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва психологик аҳволнинг ўзгариши аёлларга нисбатан фикрларни бошқача талқин қилиш имкониятини яратди. Биринчи навбатда эркак адибларнинг асарларида аёллар масаласи кўтарила бошлади. Ёзувчилар аёлларга нисбатан ўрта асрлардаги каби муомала қилинаётганлигини, улар ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканлигини ёрита бошлашди. Аёллар эса ўзларининг фикрларини, интилишларини ва муаммоларини адабиёт орқали жар солишдан бошлашди. Улар аста секинлик билан турли тадбирларда қатнашиб, ўзларининг миллий-ватанпарварлик туйғуларини ошқора қила бошлашди. Асосан бу уларнинг шеърлятида намоён бўлди. Улар новаторликда эркаклардан қолишмадилар. Шу ерда марокашлик Малика ал-Фаси ва жазоирлик Зухур Винасининг адабий ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Улар миллий-озодлик ҳаракатларини қуйлаган шоирлар Аш-Шаби, Идрис ал-Жари, Мухаммад ал-Хальва каби шоирларнинг асарларидан илҳомланганлар.

Демак, адабиёти ўрганилаётган мамлакатнинг тарихини билиш муҳим омиллардан биридир. Бу эса ўша юрт адибларининг ҳис-ҳаяжонларини, юрак сирларини тезроқ

тушунишга ва уларнинг асарларини улар ўйлагандек таржима қилишга хизмат қилади. Албатта, бу ерда араб адабиётининг илдизларига ҳам аҳамият бериш керак бўлади. Бунда арабларнинг ислом пайдо бўлгунча адабий аҳволи қандайлигини билиш муҳимдир. Исломгача шоир ва ёзувчилар ҳақида билиш, унинг кейинги тараққиёти асосларини топишга хизмат қилади. “Шу ўринда исломгача бўлган забардаст шоирлардан Абу Лайло ал-Мухалхил, Ал-Шанфара каби шоирларни ҳамда араб дунёсида машҳур «Муаллақот» шоирларидан Имрул Қайс, Ар-Набиға аз-Зубян, Антара ибн Шаддад, Лабид ибн Рабаи [12:1] ва бошқа шоирларнинг Маккада ёзган шеърларини билиш, улардаги маъноларни англаб етиш муҳимдир. Бунинг учун эса араб тили ва адабиётини мукамал билиш, таржима қила олиш қобилиятига эга бўлиш керак бўлади. Булардан ташқари изланувчи адабий кўникмага эга бўлиши, шеърлардаги қофияларни, кочирим сўзларни тушуниши зарурдир. Яна шу нарсага эътибор бериш керакки, араб шеърляти ва адабий чиқишлар асосан оғзаки жанрда ривожланган эди. Бу қабила бошлиқларини, Маккадаги зодагонларни, карвон йўлидаги бозор эгаларини мақтаб айтилган шеърлар, мадҳиялар бўлган. Бу мадҳиялар оғиздан оғизга ўтиб келган, нотиклик санъати ривожланган.

Қуръони Каримнинг нозил бўлиши эса асталик билан араб ёзув тизимининг пайдо бўлишига туртки бўлди. Араб дунёсида Қуръон араб адабиётининг шаклланишига ҳамал тошини қўйди. Шунинг учун ҳам Қуръон оятларини ёдлаш, ўрганиш орқали ўша давр ҳақида маълум бир тушунчаларга эга бўлиш мумкин.

Араб адабиётини ўқир эканмиз, 19 асрдаги араб дунёсида рўй берган «Уйғониш» ҳаракати адабиётда катта ўзгаришларга олиб келди. Араблар бу даврни «Ан-Наҳда» деб атадилар.

«Ан-Наҳда» мафкурачилари уйғонишнинг асосий йўли халқнинг асрий қолоқлигини енгиб ўтиш, маърифатни кенг тарғиб этиш, диний ихтилоф ва бидъатларни йўқотиш, шунингдек, иқтисодий ислохотларда деб билдилар» [3:1].

Бу ҳаракат 20 асргача асосан Миср, Сурия ва Ливанда амалда бўлди. Кейинчалик бошқа араб мамлакатларига ҳам тарқалди [12:4].

«Бу ҳаракатнинг таъсири ҳатто чет элларда ҳам сезила бошлади. Улар араб ёзувчиларининг шеърларини ўз тилларига ўтира бошладилар. Ан-Наҳданинг буюк номоёндалари сифатида

Насиф ал-Язиджи, Хофиз Иброҳим, Аҳмад Шавки, Маъруф ар-Русафи, Халил Мутронлар чиқдилар. Насрий асарларни эса Рифат ат-Тахтовий, Бутрус ал-Бустоний, Адиб Исроқ, Жамолиддин Афғони ва бошқалар яратдилар» [12:6]. Лекин уларнинг аксарияти чет элларда ижод қилдилар.

ХУЛОСА

Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, араб адабиётини ўрганиш, уни таржима қилиш ва автор истагандек тушуниш учун араб тилини мукамал билиш билан кифояланиб бўлмайди. Балки араб дунёсининг тарихини, менталитетини, ҳудудий жойлашувини ва шеъвасини ўрганиш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдель-Малек Камаль. «Популярные арабские религиозные рассказы» / под редакцией К. Фитцпатрика и А. Уокера. -Санта-Барбара, ABC-CLIO, 2014, том II, -С. 460–465.
2. Акбарова М. Х. Очерки истории арабской литературы нового времени. Т., 2001.
3. Акбарова М. Х. Сирийский рассказ. - Т., 1975.
4. Арабская романтическая проза XIX-XX веков. Л., 1981.
5. Долинина А. А. Очерки истории арабской литературы нового времени. В 2-х частях. Ч.1. -М., 1968, Ч.2. -М., 1973.
6. Крачковский И.Ю. Избранные сочинения, Соч. Т.3. М.-Л. 1956.
7. Крымский А.Е. История новой арабской литературы. XIX-начало XX в. М., 1071
8. Литература Востока в новейшее время. М., 1977.
9. Matibaeva R. (2021) Arab adabiyoti yangi davri (XIX-XX asrlar). – Tashkent: O‘zXIA nashriyot-matbaa birlashmasi, 2021. – 96 b.
10. Matibaeva Razia Baltabaevna (2020). USE OF SHORTS IN TRAINING EASTERN LANGUAGE. Archive of Conferences, 2020/11/3, -P. 15-16.
11. Raziya MATIBAYEVA (2020). TRANSLATION AS ONE OF THE METHODS OF LEARNING FOREIGN LANGUAGES BY SPECIALTY. Archive of Conferences, 2020/11/3, -P. 17-19.
12. Raziya Matibaeva (2021). TEACHER’S COMMUNICATIVE ABILITY. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 2021/12/1, -P. 4-7.
13. Тэтчер Гриффит Уиллер. «Аравия. Литература» / под редакцией Чисхолме Хью. Издательство Кембриджского университета, 1911, -С. 271–276.
14. Хализев В. Е. Теория литературы. М., 2005.
15. Ханна аль-Фахури. История арабской литературы. Т. 1-2. М. 1959, 1961.